
Аёли эъзозланган юрт

Ёзёвон туманидаги истирохат богида Оила ва хотин-қизлар булими томонидан “Аёли эъзозланган юрт” шиори остида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Тадбирда туман хокимининг ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиги Саидахон Усмонова, шоира Ўктамхон Солиева, Баҳор МФЙ раиси Махфузахон Мамажонова, Тараққиёт МФЙ ҳунарманд аёли Хатичахон Эргашевалар сўз олиб, хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, айниқса янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасидаги моддалар сони амалдаги 128 тадан 155 тага, нормалар сони 275 тадан 434 тага ортганлиги, яъни асосий қонунимиз матни қарийб 65 фоизга ортганлиги ва халқимиз таклифлари асосида янгиланаётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

2023-04-03 15:53:28